



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 17 апрель, № 76 (9247)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



АРМИЯМИЗ НУФУЗИ ЯНАДА ОШИРИЛИБ, ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватланади

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевга 16 апрель кунини ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, резерв ва захирадаги офицерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш юзасидан ахборот берилди.

Авалло, армиянинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини мустаҳкамлаш, шахсий таркибга янги тизим асосида таълим бериш ва касбга тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берилди.

Хусусан, жанговар шайлик йўналишида қўшинларда мажмуавий стратегик ва қўмондонлик штаб ўқувлари, йиғин, дала чиқишлари ва ўқув курслари тизимли равишда ўтказиб келинаётгани, бунда шахсий таркибда ахлоқий-руҳий, реал жанговар вазиятларда қўрқув ва эмоцияларни бошқариш ҳамда дадил ҳаракатларга олиш каби муҳим жанговар сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Замонавий жанговар ҳаракатлар таҳлилдани келиб чиқиб барча ўқув, тренинг ҳамда машғулотларда жанг олиб боришнинг янги усул ва шакллари ўзлаштири-

лаётгани, бўлинмаларнинг мобиллигини, жанговар имкониятларини ва қўйилган вазифаларни мустақил бажариш қобилиятини оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўрилаётгани юзасидан ахборот берилди.

Ҳар йили мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланиши юртимизда тинчликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш, бугун ора-мизда соғ-омон яшаётган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамғўрлик кўрсатишнинг ёрқин амалии фидосидир.

Жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул муқофотини тўлаш тақдир қилинди.



УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри юртдошлар!

Авалло, сиз, азизларни 18 апрель — Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини билан чин қалбимдан салимий муборакбод этаман.

Ўз хизмат жойида кечани кеча, кундузни кундуз демасдан фидокорона меҳнат қилиб, аҳоли, ташкилот ва муассасаларнинг қулай ва замонавий шароитларда яшаш ва фаолият кўрсатишини таъминлаб келаётган сизлар каби моҳир муҳандис ва ишчилар, уста ва чилангарлар, механик ва технологлар, мутахассислар ва фаришларга, кўп миллатли соҳа ходимларига ушбу қувончли айёмда чуқур ҳурматимиз ва эзгу тиллараримизни билдириб, чин дилдан раҳматлар айтаман.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори халқимиз турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутиб келаётган коммунал тизимда ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, илгор халқаро тажрибалар асосида уй-жойларга хизмат кўрсатиш бўй-

моқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Натижада юртимизда аҳолини ичимлик суви билан марказлашган тизим орқали таъминлаш даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан ҳозирги вақтда қарийб 83 фоизга етди. Иссиқлик таъминоти соҳасидаги кенг қўлла-ли ишлар ҳисобидан қарийб 100 та марказий ва маҳаллий қозонхона, 1276 километр иссиқлик тармоқлари таъмирланди ва модернизация қилинди.

Айниқса, 3 минг 800 дан зиёд кўп қаватли уй ва 371 та ижтимоий объект ушбу тизимга улангани диққатга сазовордир.

Айни вақтда аҳолиимизнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Жумладан, 2030 йилгача аҳолини ичимлик суви билан марказлашган тармоқлар орқали таъминлаш даражасини 90 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Шунингдек, 103 та қозонхона, 1 минг 600 километр иссиқлик тармоқлари барпо этилади ва реконструкция қилинади. Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида ва халқа-

ро молия институтлари иштирокида эса 13 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Буларнинг ҳисобидан марказлашган иссиқлик таъминоти қамрови ҳозирги 37 фоиздан 58 фоизга етказилади.

Сизлар ўзингизнинг бор куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни сафарбар этиб, ана шундай улкан вазифаларни адо этишга муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонманам.

Ўз навбатида, мамлакатимизда коммунал соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, тизимда фаолият кўрсатаётган ишчи ва ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бундан буён ҳам давлатимизнинг эътибор марказида бўлади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт-саodat, меҳнат фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

18 апрель — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН БУНЁДКОРЛИК

Пойтахтимизда 18 апрель — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Жалол Арашов уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш йўналишида олиб борилаётган кенг қўллали ислохотлар ва янгиланишларнинг аҳамиятини аҳоли юксак қадрлаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини муносабати билан йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.



— Уй-жой фондиди си-фатли сақлаш мақсадида тизимда таъмирлаш ишлари ҳамми йилдан-йилга ор-тиб борапти, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўрин-босари Озода Жўраева. — Сўнгги йилларда кўп квар-тиралари уйлари таъмирлаш, аҳолига қулай шароитлар яратиш мақсадида лифт-ларни янгилаш ишларига алоҳида эътибор қар-атилди. Биргина 2025-2026 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик до-ирасида 9 812 та уй таъмир-ланган бўлса, қўшимча ра-вишда бошқарув ташкилот-лари томонидан 6 457 та уйда 117 млрд. сўмлик ишлар бажарилди.



МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ Йўналишининг Қўшимча «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ»

Президент Шавкат Мирзиёев маданият ва туризм соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва янги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Авалло, Самарқанд шаҳрида 9 гектар майдонда янги Ипак йўли музейини бар-по этиш режаси кўриб чиқилди. Лойиҳага кўра, ушбу музей экспозицияси археоло-гия, тасвирий санъат, амалий санъат ма-териалларини қамраб олган 6 мингдан зиёд ноёб экспонатларни бирлаштиради. Музейда доимий ва вақтинча кўргазма-лар учун экспозициялар, 160 ўринли ауди-тория, болалар академияси, консервация ва тадқиқот маркази, катта ҳажмли сақ-лов хоналари ҳам ташкил қилинади.

Тақдиротда аҳолини маданият муас-саларига кенг жалб қилиш, уларнинг ма-зум-моҳияти ва иш услубини замон талаблари асосида янгилаш масалалари-га ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан республикадаги 839 та маданият марказини босқичма-босқич трансформация қилиш, бинолари-ни замонавий қиёфага келтириш, фао-лиятига хусусий секторни жалб қилиш, бу борада жозибадорликни ошириш бўйича тақдиротлар муҳокама қилинди. Умуман, 2030 йилга қадар маданият соҳасига 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўнал-тирилиши белгиланди.

Санъат соҳасида иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш, уларни қуйи синфлардан

мақсадли ўқитиш, ўқиб жойида яшаш та-влим олиши ва ижод билан шуғулланиши учун муносиб шароит яратиш муҳим вази-фа сифатида белгиланди.

Андижон ёшлар симфоник оркестри ҳамда “Тумор” ракс ансамбли фаолияти-ни қўллаб-қувватлаш бўйича билдирилган тақдиротлар маъқулланди.

Медиамаконда миллий контентларни кўпайтириш, сунъий интеллектдан оқило-на фойдаланган ҳолда миллий мадания-тимиз ҳақида маълумотлар базасини кен-гайтириб бориш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, нодавлат маданият ташкилот-лари фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёз-ли кредитлар ажратиш, нодавлат театр ва театр-студияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар ажратиб бо-риш тизими жорий этилиши белгиланди.

Шу йил бошидан мамлакатимизга 3 миллионга яқин сайёҳлар келиб, ўсиш суръати 37 фоизни, туризм хизматлари экспорти эса 48 фоиз ўсиб, 1,1 миллиард долларга етгани қайд этилди. 2030 йилга қадар 20 миллион хорижий сайёҳни жалб қилиш, 2026 йилда эса 12 миллион туристга хизмат кўрсатиш мақсад қилинган.



ПОЙТАХТДА МАХСУС ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, мавжуд захираларни тўлиқ ишга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда бугунги кунда жаҳонда-ги сиёсий ва ҳарбий зиддиятлар, ташқи бозорлардаги ўзгаришлар экспорт занжирлари ва маҳсулот етказиб бе-риш муддатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланди. Бундай шароитда қўшимча захира-ларни аниқлаб, уларни тезкор ишга со-лиш устувор вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

Пойтахт миллий иқтисодиётда ало-ҳида ўрин тутиши қайд этилди. Бугун-ги кунда Тошкент шаҳри ялпи ички маҳсулотнинг 21 фоизини таъминла-моқда. Жорий йил “Пойтахтда жадал ривожланиш ва аҳоли даромадлари ўсиши йили” деб эълон қилиниб, ша-ҳар иқтисодиётини 12 фоизга ошириш, 3,6 миллиард долларлик экспортни

таъминлаш, 9 миллиард доллар ин-вестиция жалб қилиш ва 616 минг аҳоли бандлигини таъминлаш каби катта марралар белгиланган.

Шу муносабат билан шаҳар ҳоким-лиги, унинг 12 нафар ўринбосари ва 12 та туман ҳокими проактив иш та-шқил қилиб, саноат, экспорт, инвести-ция ва туризм соҳаларидаги эҳтимо-лий пайсаийларнинг олдини олиши за-рурлиги таъкидланди. Президентимиз бунинг учун пойтахтда меҳнат ресур-слари ҳам, молиявий имкониятлар ҳам етарли эканини таъкидлади.

Йиғилишда жорий йил янгича ёнда-шуш асосида шаҳарнинг 12 та тумани аниқ бир саноат ёки хизмат кўрсатиш тармоғига ихтисослаштирили-ши қайд этилди.



Юртимизда ҳар бир оиланинг шинам, барча қулайликларга эга уй-жой-да яшашини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Шу эзгу мақсад йўлида янги тураржойлар, мавзе-

лар, шаҳарчалар барпо этилмоқда. Шунга мос ра-вишда инфратузилма ҳам мутлақо замонавий қиёфа-да шаклланимоқда. Буни уй-жой коммунал хўжалиги ти-зимини модернизация

қилиш, аҳоли турмуш дара-жаси ва яшаш шароитла-рини яхшилашга қаратилган ўзгаришлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, бугунги кунда аҳолининг катта қисми кўп

квартиралари уйларида исти-комат қилади. Мамлакат-имизда шу тоифадаги уйлари сони 45 мингдан ортиқ бўлиб, уларда 1 миллион 608 мингдан зиёд хонадон-лар мавжуд.

Парламент дипломатияси

ГЛОБАЛ МИҚЁСДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАСАЛА

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Парламентларо Иттифоқнинг 152-ассамблеяси ўз ишини бошлади.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон Парламент делегацияси 152-ассамблея доирасида ўтказилган Парламент аёл аъзолари форуми ҳамда Қўшилмаслик ҳаракати парламент тармоғининг 5-конференциясида иштирок этди.

Форум “Низоларнинг кучайиши ҳамда аёллар ва қизлар ҳуқуқла-рининг қисқариши” мавзусига ба-ғишланиб, унда глобал низолар шароитида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва иқтисодий имкониятларини кен-гайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш

давлат сиёсатининг устувор йўна-лишларидан. Мамлакатимизда аёлларнинг таълим олиши, иқти-содий фаоллигини кучайтириш ҳамда қарор қабул қилиш жара-ёндаги иштирокини кенгайти-ришга қаратилган қўнунлар имзо-ланиб, тизимли дастурлар амалга оширилмоқда. Мазкур ёндашув форум қатнашчилари томонидан илгор тажриба сифатида эътироф этилди.



Конференция

АМИР ТЕМУР ТАРИХИЙ МЕРОСИ — КУЧЛИ ДАВЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Амир Темур: кучли давлат барпо этиш феномени, тарихий мерос ва замонавий тараққиёт” мавзусида парламент конференцияси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси ташаб-буси билан уюштирилган тад-бирда депутатлар, олимлар, Парламент тадқиқотлари институти ходимлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференциядан қўзланган асосий мақсад — буюк давлат арбоби Амир Темурнинг дав-лат бошқаруви соҳасидаги бой тажрибасини чуқур ўрганиш, тарихий меросини замонавий давлат бошқаруви ва унинг

ҳуқуқий асосларини мустаҳкам-лашга уйғун ҳолда таҳлил қилиш.

Конференцияни Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси Спик-ери Н. Исмоилов кириш сўзи билан очиб, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан Амир Темур ва темурийларнинг бой меросига юксак эҳтиром кўрсатиш, уни тадқиқ этиш, юртимиз ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаёт-ганини таъкидлади.



АРМИЯМИЗ НУФУЗИ ЯНАДА ОШИРИЛИБ, ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватланади

Шунингдек, бу кунда уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, кексалар ва устозларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш, ёлғиз ва кам таъминланган фахрийларнинг тураржойларини ободонлаштириш, турли хотира ва қадрлаш тадбирларини ташкил этиш режалаштирилган. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган Ватан фидойиларининг хотираси ҳам улуғланади. Уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Она Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг мардлиги ва жасоратини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди. Мамлакатимиз бўйлаб "Бурч, жасорат, матонат!" шiori остида маданий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, ижодий кечалар, танловлар ва оммавий спорт мусобақалари ташкил этилади.

Тадқиқотда резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, дунёда юз бераётган ҳарбий можаролар тахлили уруш давридаги сафарбарлик эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тинчлик даврида ҳарбий тайёргарликка эга бўлган офицерлар захирасини шакллантириш ва уларни мутахассислик бўйича тўғри тақсимлаш долларб вазифа эканини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда 4 та олий таълим ва 2 та олий ҳарбий таълим муассасасининг ҳарбий тайёргарлик ўқув марказлари ва факультетларида 42 та мутахассислик бўйича резерв ва захирадаги офицерлар тайёрланмоқда. Бунга қўшимча равишда Урганч, Термиз, Андижон давлат университетлари, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда Андижон давлат тиббиёт институтида яна

5 та ҳарбий тайёргарлик ўқув марказини ташкил этиш тақдир қилинди.

Шунингдек, давлат олий таълим муассасаларида қўшимча равишда "Ҳақиқатқача ҳарбий таълим" йўналиши бўйича 3 йиллик бакалаврият таълими асосида резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳарбий тиббиёт институтида эса илк бор клиник ординатура ва магистратурага қабул қилинган ҳамда ҳарбий тайёргарликдан ўтиш талабини билдирган талабалар тўлов-шартнома асосида ўқитилади. Бундай имконият нодавлат олий таълим муассасалари талабалари учун ҳам яратилади.

Бугунги кунда долларб бўлган сунъий интеллект, дрон, робототехника каби замонавий ва тор мутахассисликлар бўйича ҳам захира офицерлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлиналари учун илғор хорижий армиялар тажрибаси асосида янги ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий химоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил 13 январь кун Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон раислигида ўтказилган Ҳавфсизлик кенгаши йиғилишида мақсуд масала устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди.

Жумладан, Мудофаа вазирлиги офицерларига хизмат йиллари учун тўланадиган ҳар ойлик устама миқдорини икки бараварга ошириш, шартнома бўйича хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик пул таъминотини 10 фоизга кўпайтириш тақдир қилинди.

Президентимиз тақлифларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижроси ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий химоясини янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузи ва жозибadorлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади ҳамда тегишли ҳужжатларни имзолади.

МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ Йўналишининг Қўшимча «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ»

Эндиликда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, унинг туристик салоҳиятини ошириш бўйича манзилли дастурларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу мақсадда ҳудудларда туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва соҳани лойиҳавий бошқарув асосида ташкил этиш чоралари кўриб чиқилди. Хусусан, 2026-2027 йилларда ҳудуд-

ларда 31 та мастер-режани амалга оширишни бошлаш, 40 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш, жойлаштириш воситалари сонини 8 минг 250 тага, туризм қишлоқлари ва маҳаллаларининг умумий сонини 84 тага олиб чиқиш режалаштирилган.

Янги сайёҳлик маҳсулотларини шакллантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қатор механизмлар кўзда тутил-

ган. Жумладан, хорижий туристларни жалб қилишга қаратилган тарғибот харажатларининг 25 фоизгача қисми, бироқ 500 миллион сўмдан ошмаган қисми қўллаб-берилиши, туристлар учун маданий-оммавий ва саҳналаштирилган томошаларни тизимли йўлга қўйган хусусий тадбиркорларни рағбатлантириш, сервис соҳасидаги маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида амалий

ўқув курсларини ташкил этиш назарда тутилган.

Тадқиқотда республика туризм салоҳиятини халқаро бозорда кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам янги ёндашувлар кўриб чиқилди.

Мутасаддиларга муҳокама қилинган лойиҳа ва ташаббусларни пухта ишлаб чиқиш, уларни аниқ ҳисоб-китоб ва режалар асосида амалга ошириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

ПОЙТАХТДА МАХСУС ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Жумладан, Бектемир тумани кимё саноати ва улгурчи савдога, Мирзо Улуғбек тумани кабель саноати, илм-фан, таълим ва ахборот технологияларига, Миробод тумани озиқ-овқат саноати, туризм ва умумий овқатланишга, Утчага заргарлик, маший хизмат ва чакана савдога, Чилонзор фармацевтика, савдо, хизмат кўрсатиш ва спортга, Шайхонтоҳур мебелсозлик ва гастротуризмга, Юнособод қозғо саноати ва туризмга, Яшнотоб электротехника ҳамда транспорт-логистикага, Яққасарой энгил саноат ва молиявий хизматларга, Янгиҳаёт автомобилсозлик ва логистикага, Олмазор қурилиш материаллари саноати ва таълимга, Сергели эса металлургия, логистика ва автосервис соҳаларига йўналтирилади.

Тошкент шаҳрида ностандарт тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида охириги икки ҳафта давомида 23 мингдан зиёд тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилгани, 1 минг 300 дан ортиқ муаммолар аниқлангани, шунингдек, тадбиркорлар томонидан 162 та янги тақлиф ва ташаббус билдирилгани маълум қилинди. Бу тақлиф ва муаммоларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, пойтахтда махсус инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини жорий қилиш орқали янги тажриба яратилиши белгиланди. Жумладан, бизнес учун руҳсатнома ва лицензиялар бериш ваколатини тегишли вазирлик ва идоралардан уларнинг ҳудудий бўлиналарига тушириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг янги ёндашувларини жорий этиш, тадбиркорларнинг логистика билан боғлиқ муаммоларини тезкор ҳал қилиш тизимини йўлга қўйиш, айланма маблағ билан таъминлаш ва бизнесни кенгайтириш учун қулай шартларда янги молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш назарда тутилгани қайд этилди.

Тадбиркорлар кўтарган муаммо ва тақлифларни тезкор ҳал қилиш учун алоҳида Мувовлаштирувчи кенгаш тузиш тақлиф қилинди. Унинг зиммасига туманларни драйвер соҳалар асосида ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий конъюктурани доимий мониторинг қилиш, "ўсиш нуқталари" ва фойдаланилмаётган захираларни аниқлаш, тизимли тўсиқларни бартараф этиш, гоё ва ташаббусларни шакллантириш, уларни молиялаштириш ва ижросини назорат қилиш вазифалари юкланади.

Умуман, барча имкониятларни сафарбар қилиб, қўшимча 88 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 4,9 миллиард долларлик экспортни таъминлаш ва 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, бюджетга 2,9 триллион сўм тушум таъминлаш, 65,5 мингта юқори даромадли ва доимий иш ўрни ташкил этиш бўйича аниқланган янги захираларни ишга солиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, жорий йилда Тошкент шаҳрига қўшимча 500 миллион доллар жалб қилиш мақсадида пойтахт евробондларини чиқариш тақлиф қилинди.

Пойтахт тадбиркорларини Тошкент, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги йирик саноат корхоналари билан боғлаб, маҳаллийлаштириш ва кооперацияни кенгайтириш бўйича дастур тасдиқлаш топширилди.

Келгусида йирик халқаро консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда Тошкент шаҳри иқтисодиётини чуқур таҳлил қилиш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Ў.А.

ГЛОБАЛ МИҚЁСДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАСАЛА

Шу билан бирга, глобал миқёсда аёллар ҳуқуқларининг поймол қилиниши, гендер зўравонлик, одам савдоси ва мажбурий никоҳ каби таҳдидларга қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олишда парламентлар олдига турган устувор вазифалар юзасидан ташаббуслар илгари сурилди.

Ўзбекистон томони хотин-қизлар ҳуқуқларини илгари суриш борасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр экани билдирилиб, иштирокчилар Бухоро шаҳрида жорий йилнинг 14-15 май кунлари бўлиб ўтадиган Осиё

хотин-қизлари иккинчи форумига тақлиф этилди.

"Қўшимаслик ҳаракати минтақасида иқлим ўзгаришига бардошли урбанизацияни таъминлашда парламентлар роли" мавзусига бағишланган Қўшимаслик ҳаракати парламент тармоғининг 5-конференциясида эса шаҳарлар мисли кўрилмаган суръатларда ривожланаётган бир шароитда глобал иқлим муаммоларига ечим топиш, уларнинг олдини олишга қаратилган қонунчиликни тақомиллаштириш ҳамда унинг ижроси устидан самарали парламент назоратини

таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда замонавий ҳуқуқий асосларни шакллантириш, иқлим сиёсатининг амалга оширилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, "яшил" иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш устувор вазифалар сифатида қайд этилди.

Шунингдек, парламентлар нафақат қонун ижодкорлиги жараёнида, балки узок мuddатли давлат сиёсатини шакллантириш, бюджет қўллаб-қувватло-

вини таъминлаш ҳамда миллий ва халқаро даражада ҳамжиҳатликни илгари суришда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Конференция якунида иштирокчилар Қўшимаслик ҳаракатига аъзо давлатларнинг иқлимга бардошли, ҳавфсиз ва инклюзив урбанизацияни таъминлаш борасидаги сўб-харажатларини бирлаштириш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, парламентларо ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича яқдил фикр билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖИ ТАҲЛИЛ МАРКАЗЛАРИ НИГОҲИДА

Остона шаҳрида 2024 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган "Марказий Осиё + Германия" саммитида Президентимиз ушбу давлатларнинг таҳлилий марказлари форумини таъсис этиш ҳамда унинг биринчи учрашувини Хива шаҳрида ўтказишни тақлиф қилган эди.



Анжуман

Ушбу ташаббус асосида 16-17 апрель кунлари Хива шаҳрида "Ўзгаришлар дунёда стратегик ҳамкорлик" мавзусидаги анжуман ташкил қилинди. Унда Германия ва Марказий Осиё давлатларининг етакчи таҳлил марказлари раҳбарлари, нуфузли экспертлар, илмий ва таълим доиралари ҳамда бизнес ҳамжамияти вакиллари катнашмоқда.

Форумнинг очилиш тадбирида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов, вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов ва бошқарув сўзга чиқди.

Ушбу форум айнан Хива шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас, — дейди Конрад Аденауэр номидаги ҳамгарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Андре Альгермиссен. — Чунки тарихдан маълумки, 1882 — 1937 йилларда Хоразмда немис меннонитларининг катта жамоаси яшаган ва минтақанинг ижтимоий-

Одильбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН БУНЁДКОРЛИК



Бу эса соҳада хусусий сектор фаоллиги ортиб бораётганидан далолат бермоқда.

Қамров даражаси кенгайтири

Коммунал хизматлар тизимида иссиқлик таъминоти алоҳида ўрин тутди. Бу йўналишда кейинги вақтда ижодий ўзгаришлар кузатилаётганини қайд этиш ўринли. Жумладан, республика бўйича 16 610 та кўп квартиралар уй ва 2 543 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик таъминотига уланган. Масалан, 2025 йил апрель ойи ҳолатига нисбатан қиёслаганда, 2026 йилда қўшимча равишда 581 та уй ва 292 та ижтимоий объект ушбу тизим билан қамраб олинди. Бу аҳолининг узлуқсиз иссиқлик манбаи билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Мавриди келганда айтиш кераки, биргина тизим инфратузилмаси 525 та қозонхона ва 3 710 километр иссиқлик тармоқларини ўз ичига олади. Ўтган йилнинг ўзида 63 та янги қозон ўрнатилгани ҳам фаолият кўламинини янада кенгайтирди. Шунингдек, энерготехнологиялар жорий этилиши ҳисобига 13,8 млн. кубометр табиий газ ва 15,2 млн. киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинганлиги диққатга сазовор.

— Ичимлик ва оқова сув тизимларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам аҳолининг ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатмоқда, — дейди Озода Жўраева. — Очиқ, илгари ичимлик ва оқова сув таъминоти билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли мурожаатлари кўпайиб кетган, бу инфратузилманинг эскирға-

ни ва таъминотдаги узиллишлар билан боғлиқ эди. Эътиборли жиҳати, сўнгги йилларда ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда янги иншоотлар қурилиб, реконструкция қилиниши натижасида аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси қарийб 20 фоизга ошди. Бу йўналишда янги лойиҳалар бўйича изчил иш олиб борилмоқда. 2026 йил якунига қадар ушбу кўрсаткичнинг 85 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, оқова сув хизматлари билан қамров даражаси 21,8 фоизни ташкил қилиб, ушбу йўналишда ҳам инфратузилмани кенгайтириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилда 883,8 километр тармоқлар ва ўнлаб иншоотлар қурилиши учун 1,188 трлн. сўм маблағ ажратилгани шундан далолат беради.



Эътиборли жиҳати шундаки, бу платформа орқали 17 мингга яқин лифт ускуналари доимий назоратга олинган. Шунингдек, "Турар жой" миллий ахборот тизими билан аҳоли доимий алоқада. Уларнинг ҳар бир кўнгируғи асосида муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Хусусан, бу платформанинг

Рақамлаштириш самараси

Уй-жой ва коммунал хизмат соҳаси рақамлаштирилаётгани аҳоли мурожаатлари асосида юзага келган муаммоларни тезкор бартараф қилиш имконини бермоқда.

Шу жиҳатдан "Менинг уйим" биллинг тизими жорий этилгани қўллаб-қувватлашга қўшимча қўлайликлар яратди.

"Хавфсиз лифт" платформасининг ишга туширилгани ҳам кўплаб аҳоли вакиллари томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди.



Эътиборли жиҳати шундаки, бу платформа орқали 17 мингга яқин лифт ускуналари доимий назоратга олинган. Шунингдек, "Турар жой" миллий ахборот тизими билан аҳоли доимий алоқада. Уларнинг ҳар бир кўнгируғи асосида муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Хусусан, бу платформанинг

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев Италия Республикаси Парламенти Депутатлар палатаси депутати, "Италия — Марказий Осиё" парламентлари ҳамкорлик гуруҳи раҳбари Фабрицио Бенцони бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Ҳамкорлик

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларига эътибор қаратилди.

Томонлар парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ва ўзаро манфаатли ташаббусларни илгари суриш масалаларига урғу берди. Суҳбат чоғида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, улар ўртасида мунтазам мулоқотни таъминлаш, қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, таълим ва илм-фан соҳаларидаги шерикликни кенгайтириш, қўшма таълим дастурлари ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

СОҲИБҚИРОН ДАҲОСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Шу кунларда мамлакатимизда буюқ давлат арбоби, маҳоратли саркарда ва илм-фан ҳамда маданият ҳомийси Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ушбу муҳим санани давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий ва халқаро даражада юксак савияда ўтказиш кўзда тутилган.

Тадбир

Хусусан, Президентимизнинг шу йил 5 февралдаги "Буюқ давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унга мувофиқ юртимизда Амир Темурнинг бой илмий, маънавий ва маданий меросини чуқур ўрганиш, уни кенг тарғиб этиш ҳамда ёш авлод онгига сингдиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жойлашган Темирийлар тарихи Давлат музейининг қисқа муддатда капитал таъмирдан чиқарилиши, Амир Темур ҳайкали атрофидаги хиёбонда амалга оширилган кенг қўламли ободонлаштириш ишлари, шунингдек, тарихий шахс сиймосини очиб берувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилиши ушбу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин намунасида.

Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган тадбирларда Олий Мажлис Сенати аъзолари, олимлар ва жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, аҳоли билан учрашувларда Амир Темурнинг давлатчилик анъаналарини шакллантиришдаги бекиёс ўрни, унинг бошқарув тамойиллари ва стратегик фикрлаш маданияти батафсил тушунтирилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий ва халқаро миқёсда ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар доирасида Амир Темур мероси замонавий давлат бошқаруви нуктаи назаридан қайта таҳлил қилинмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти билан ҳамкорликда "Амир Темурнинг ҳаётий сабоқлари: муваффақият ва куч-қудрат манбаи" мавзuida илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Учрашув ЎҚИШ ВА ИЗЛАНИШ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Эртанги эгалари бўлган ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг етакчи йўналишларидан. Шу нуктага назардан, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам йигит-қизлар билан доимий учрашувлар ўтказмоқда.

Хусусан, пайшанба — Ёшлар куни муносабати билан пойтахтимизнинг Бектемир туманида навбатдаги очик мулоқот ташкил қилинди. Унда Сенатнинг Мудрофа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурхонов, Ҳарбий прокурор ўринбосари ҳамда туман ҳокими иштирок этди.

Мулоқот давомида ёшлар бандлик, таълим, тадбиркорлик ва ҳарбий хизмат билан боғлиқ қатор масалаларни илгари суриди. Ҳар бир мурожаат тегишли мутасаддилар томонидан диққат билан тингланиб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашиш давлатимиз эътибор марказида.

Тадбир давомида иқтидорли ёшлар рағбатлантирилди. Хусусан, халқаро инглиз тили имтиҳони — "IELTS"дан 7,5 ва ундан юқори балл тўплаган ёшларга эсдалик совғалари топширилди. Бу эса ёшларнинг билим олишга бўлган иштишини янада ошириши, янги ютуқларга илҳомлантириши билан аҳамиятлидир.

Худди шундай учрашувлардан бири Фаргона вилоятидаги Лола Муротова номи қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган техникумда ҳам ўтказилди. Унда Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қоziнонова ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, Ёшлар маслаҳат гуруҳи вакиллари иштирок этди.

Учрашувда йигит-қизларга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилаётгани, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларни сифатли таълим билан камраб олиш, замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш устувор вазифалардан экани таъкидланди.

Сенатор ёшлар билан мулоқотда тадбиркорлик асослари, яратилаётган имкониятлар ва ўз устида ишлашнинг аҳамияти ҳақида фикр юритди. Шунингдек, у ёшларни фаол, ташаббускор ва масъулиятли бўлишга чақириб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва аниқ мақсадлар сари қатъият билан интилиш, албатта, ўз натижасини кўрсатишини таъкидлади.

Учрашувлар якунида ёшлар томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш юзасидан манзилли ишлар режаси ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».



Мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги босқичи — Учинчи Ренессансга қадам қўяётган, жамиятнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда аждодларимизнинг ноёб меросини чуқур ўрганиш, юртимиз ва жаҳонда кенг оммалаштириш муҳим аҳамиятга эгаллиги қайд этилди.

Юртимизнинг Президентимизнинг ташаббуси билан бу йўналишда тизимли ишлар амалга оширилаётганига тўхталиб ўтилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "Буюқ давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳар йили апрель мамлакатимизда "Амир Темур" ойлиги сифатида эълон қилиниб, маҳаллий ва халқаро

вазифалардан бири сифатида белгиланди. Мазкур қарор ижроси доирасида Қонунчилик палатаси ҳам қатор тадбирлар режасини белгилаб олган. Мазкур конференция ана шундай тадбирларнинг бири сифатида депутатлар, олимлар, ёшлар, экспертларни фикр алмашиш ва мунозаралар даврасига жамлади.

Тадбир давомида Амир Темур давлатчилигида кучли бошқарув ва адолат тамойиллари, миллий давлатчилик ва қонунчилик анъаналари, замонавий тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик, тарихий мероснинг бугунги ислохотлар жараёнидаги аҳамияти каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, очиклик, масъулият ва жамоавий муҳокама каби тамойиллар Амир

Темур давлати бошқарувида муҳим ўрин тутгани қайд этилди. Бу жиҳатлар бугунги кунда парламентаризмни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар жараёни билан ҳамоханг эканига урғу берилди.

Тадбирда Амир Темурнинг давлат бошқаруви тажрибасини чуқур ўрганиш, уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда амалиётга самарали татбиқ этишда сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ва депутатлар олдидagi устувор вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Шунингдек, депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувларида Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлашга қаратилган қарорга мувофиқ, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етакчи зарурлиги таъкидланди.

Конференцияда сўзга чиққан депутатлар, олимлар ҳам давлат арбоби, Иккинчи Ўйғонув даври — темирийлар Ренессанси бунёдкори Амир Темур миллий давлатчилигимиз тарихида бекиёс ўрин тутишини таъкидлаб, ёш авлод вакиллари билан буюқ тарихимиз ҳақидаги билимларини мунтазам ошириб бориш лозимлигини қайд этди.

Сўз — иштирокчиларга

Нодир ЖУМАЕВ, Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси:

— Президентимизнинг Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлашга қаратилган қарори асосида турли конференциялар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Бугунги конференция ҳам ана шу йўлдаги яна бир амалий қадам бўлди. Бу темирийлар бой меросини ўрганиш, илмий натижаларини кенг тарғиб қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун Янги Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаётган бир пайтда биз тарихга орқага қараш учун эмас, олдинга юриш учун мурожаат қиламиз. Чунки тарих фақат ўтмиш ҳақидаги фан эмас, балки бугунги қарорлар учун ўлчовдир. Амир Темур даври шу маънода биз учун аниқ мезонларни беради. Булар оддий қўринадди, ammo ҳар бири давлат тақдирини ҳал этади. Давлат илмга таянади, жамият таълим билан юксалади, ҳокимият адолат билан мустаҳкамланади. Бу эса бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортага қайтмас ислохотларга ҳамохангдир.

Шухрат ЯКУБОВ, Қонунчилик палатаси депутати:

— Амир Темур давлатчилигининг муваффақиятини тушуниш учун унинг фақат ҳарбий юришлари ёки сиёсий галабаларига эмас, балки давлат бошқаруви маданиятига, хусусан, қарор қабул қилиш механизмига эътибор қаратиш лозим. Чунки ҳар қандай кучли давлат, аввало, тўғри ва адолатли қарорга келиш тизимига таянади.

Соҳибқирон томонидан шакллантирилган бундай тизимнинг асосини қурулти, кенгаш ва машварат институти ташкил этган бўлиб, улар ўзаро уйғун ҳолда ишлаган мукамал сиёсий механизмни ифодалайди. "Темур тузуқлари"да ёзилганидек, Амир Темур давлатни бошқаришда кенгаш ва маслаҳатга катта эътибор берган. "Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилиш билан бажо келтирилу." Бу шуни аниқлатадики, буюқ аждодимиз меросида халқ билан мулоқот устувор аҳамиятга эга бўлган. Бугунги Ўзбекистоннинг замонавий давлатчилигида аини мана шу қадриятлар ўз аксини топмоқда.

Муқаддас АХМЕДОВА, Қонунчилик палатаси депутати:

— "Темур тузуқлари" Амир Темурнинг ўз мамлакатини бошқариш ва давлат ишларини тартибга солишдаги принциплари, ҳуқуқий нормалари ҳамда амалий кўрсатмалари бўлиб, бу асарда давлатнинг маъмурий, ҳарбий ва ҳуқуқий тизимлари тўлиқ намоён этилган.

"Темур тузуқлари" — бу оддий қоидалар эмас, балки давлат ва жамият ҳаётини тартибга солишчи мукамал ҳуқуқий тизим. Бу тузуқларда энг муҳим тамойил — адолат ва инсон манфаати ҳисобланади. Масалан, янги ерни обод қилган шахсдан биринчи йил солиқ

олинмаслиги, солиқлар ер унумдорлигига қараб белгилиниши, давлат аввал шариот яратиб, кейин талаб қўйиши каби адолатли тизим амалда бўлган. Бу нормаларда замонавий ижтимоий ғояларни кўриш мумкин.

Шу боис Амир Темурнинг тузуқлари, нафақат тарихчилар, балки сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар учун ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Феруза МУҲИТДИНОВА, Тошкент давлат юридик университети профессори:

— Парламент конференцияси тарихчилар, олимлар ва ҳуқуқшуносларни бир даврга жамлаб, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, бу борада янги марраларни белгилаш ва натижаларга эришиш учун биргаликда, баҳамжиҳат

ҳаракат қилишимиз учун яхши имконият бўлди. Амир Темур томонидан барпо этилган давлат бошқаруви тизимида қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, жавобгарлик муқаррарлиги ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш каби тамойиллар устувор аҳамият касб этган. Бу ғоялар бугунги Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам ўз ифодасини замонавий шакл ва мазмун билан топмоқда.

Яна бир муҳим масала. Амир Темур давлатида инсон кадри юксак эътироф этилган, жамиятнинг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинган. Ҳар бир тоифанинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган, улар давлат томонидан қўллаб-қувватланган. Бу эса давлат бошқарувида ижтимоий адолат ва мувозанат таъминланганидан далолат беради.

Шу боис Соҳибқирон меросини чуқур ўрганиш ва уни ёшлар онгига сингдириш ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим омил ҳисобланади.

Отабек СОБИТОВ, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси:

— Мазкур конференция биз, ёшлар учун ҳам аҳамиятли бўлиб, билимларимизни янада мустаҳкамлашга замин яратди. Темуршунос олимлар ва халқ вакиллари билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, бой тарихий мероси ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

Амир Темур давлат бошқарувида адолат ва қонун устуворлигини муҳим тамойил сифатида белгилаган. Унинг "Темур тузуқлари" асарида давлат бошқаруви, ҳокимият ва халқ ўртасидаги муносабатлар, ҳарбий ҳамда маъмурий тизим асослари муфассал баён этилган. Шу билан бирга, Соҳибқирон ўз қўшинида қатъий интизом ўрнатиб, ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаган. Аскарлар садоқат ва жасорат руҳида тарбиялангани, ҳарбий стратегия ҳамда тактиканинг пухта йўлга қўйилгани унинг йирик галабаларига замин яратган.

Амир Темур даврида шаклланган қадриятлар — адолат, илм-фанга ҳурмат, маданият ва санъатга эътибор, ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу бебаҳо мерос ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда, жамиятни ривожлантириш ва миллий қадриятларини асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Сенаторлар — ҳудудларда

ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари 14-ялпи мажлисда маъқулланган қонунлар ва муҳокама қилинган масалалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш юзасидан ҳудудларда учрашувлар ўтказмоқда.

Жумладан, Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова Хоразм вилоятининг Богот ҳамда Ҳазорасп туманларида бўлиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, идора ва ташкилотлар ходимлари билан мулоқот ўтказди.

Тадбир давомида ялпи мажлисда маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти юзасидан батафсил маълумотлар берилди. Уларнинг аҳамияти, амалий натижалари ҳамда фуқаролар ҳаётида тутган ўрни атрофида тушунтирилди. Мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш ва уларни кенг жамоатчиликка етказиш масалаларига алоҳида урғу қаратилди.

Шу билан бирга, Богот туманидаги 10 минг томошабинга мўлжалланган марказий ўйингоҳни капитал таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар сенатор ишти-

роқида жойига чиққан ҳолда ўрганилганида қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Учрашувлар якунида фуқаролар томонидан ижтимоий-маиший масалалар юзасидан билдирилган мурожаатлар тингланди. Ҳар бир мурожаат жиддий ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси аъзоси, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Қобулжон Турсунов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятида ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасида ўрганишлар олиб борди.

Хусусан, Навбахор туманининг "Учтут" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 105 та хонадон-

да томорқа ерларини сўғориш билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, "Қоровултена" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Навоий вилояти болалар фтизиатрия сўхатгоҳида соғломлаштириш жараёنлари ўрганилди. Хусусан, болаларнинг жисмоний машғулотлар билан мунтазам шугулланиши учун яратилган шариотлар, уларнинг реабилитацияси ва жисмоний ривожланишига қаратилган инфратузилма ҳолати таҳлилга тортилди.

Бундан ташқари, "Пахтакор" маҳалла фуқаролари йиғинида истиқомат қилувчи ижтимоий кўмакка муҳтож оиланинг яшаш шароитини яхшилаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш масалалари кўриб чиқилди.

Урганшлар якуни бўйича аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш ҳамда ижтимоий хизматлар сифатини ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тошкент давлат юридик университети талабалари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир Президентимизнинг 2026 йил 24 феврал кўни ёшлар билан мулоқоти давомида илгари сурилган ташаббус асосида жорий этилган "Ёшлар куни" доирасида ўтказилди. Бундай учрашувлар парламентда изчил йўлга қўйилган ҳолда мунтазам уюштириб келинмоқда. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Раҳимжон Ҳакимов талабалар билан мулоқот қилди.

Мулоқот чоғида кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши ҳамда ўз салоҳиятини рўйга чиқариши учун яратилаётган шариотлар алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар изчил тақомиллаштирилаётгани, янги таҳрирдаги Конституцияда ёшларга оид муҳим нормалар мустаҳкамлангани қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг ёшларга қаратаётган доимий ва тизимли эътибори уларнинг келажак бўлган ишончини кучайтирмоқда, ташаббускорлик ва масъулиятини оширишга хизмат қилаётди. Ишлаб чиқилаётган қонунларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ақс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди.

Тадбир давомида талабаларга Қонунчилик палатасининг фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар парламентининг асосий фаолият йўналишларига эътибор қаратилди. Мулоқот давомида талабалар Қонунчилик палатаси фаолияти ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятида ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасида ўрганишлар олиб борди.

Хусусан, Навбахор туманининг "Учтут" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 105 та хонадон-

да томорқа ерларини сўғориш билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, "Қоровултена" маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудида жойлашган Навоий вилояти болалар фтизиатрия сўхатгоҳида соғломлаштириш жараёнлари ўрганилди. Хусусан, болаларнинг жисмоний машғулотлар билан мунтазам шугулланиши учун яратилган шариотлар, уларнинг реабилитацияси ва жисмоний ривожланишига қаратилган инфратузилма ҳолати таҳлилга тортилди.

Бундан ташқари, "Пахтакор" маҳалла фуқаролари йиғинида истиқомат қилувчи ижтимоий кўмакка муҳтож оиланинг яшаш шароитини яхшилаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш масалалари кўриб чиқилди.

Урганшлар якуни бўйича аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш ҳамда ижтимоий хизматлар сифатини ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

СПОРТ – СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ ЖАМИЯТНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

Хар бир мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутувчи спорт соҳаси ривож бўлиши кунда ҳар доимидан ҳам долзарб. Шу боис юртимизда жисмоний тарбия ва спорт масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, қўлланма ислохотлар амалга оширилди. Спортга бўлган юксак эътибор туфайли кейинги йилларда тарихий натижалар қўлга киритилмоқда.

Нуқтаи назар

Охириг тўққиз йилда 1,5 мингдан зиёд маҳалларда замонавий спорт майдончалари қурилди. Худудларда юзлаб йирик спорт иншоотлари, минглаб хусусий спорт клублари иш бошлади. Спорт билан профессионал шугулланувчи ёшлар сони ҳам шунга яраша охириг бораётди. Биргина ўтган йилда спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 452 та олтин, 418 та кумуш ва 501 та бронза медални қўлга киритди. Уларнинг 50 нафардан зиёди жаҳон ва Осиё рекордларини янгилади.

лим муассасаларида спорт муҳитини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида муҳим ва долзарб масалалар кўтарилди.



Ёшлар тарбияси, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамиятини оширишга хизмат қилувчи аниқ механизмлар ишлаб чиқишни ўз ичига олган йиғилишда илгари сурилган ташаббуслар нафақат мавжуд ютуқларни мустаҳкамлаш, балки тизимдаги камчиликларни очик тан олиб, уларни бартараф этишга қаратилгани билан эътиборга молик.

Таъкидланганидек, олий таълим муассасаларида спорт йўналишидаги фаолиятни янада кучайтириш зарурати мавжуд. Бугунги кунда айрим олий таълим муассасаларида спорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмагани, мавжуд спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражаси пастлигича қолиши, талабаларни спортга жалб этиш тизими кўп ҳолларда формалikka айлиб қолаётгани, мусобақалар мунтазам эмаслиги ёки кенг қамровли ташкиллаштирилмаётгани ҳам муаммолардан биридир.

Эътибор қаратилган яна бир жиҳат шундаки, спорт федерацияларининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишласлиги

иктидорли ёшларни эрта аниқлаш, уларни профессионал спортга йўналтириш имконияти пайсаишига сабаб бўлаётди.

Шунингдек, иқтидорли талабалар билан индивидуал ишлаш масаласида ҳам камчиликлар мавжуд. Хусусан, юқори натижаларга эришиш салоҳиятига эга бўлган ёшлар учун индивидуал мураббийлик бириктириш тизими етарлича ривожланмаган. Бу эса уларнинг профессионал даражада устига тўқсинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Холбуки, замонавий спорт тизимида ҳар бир спортчи билан индивидуал ёндашув асосида ишлаш энг муҳим талаб ҳисобланади. Бу камчиликлар очик айтилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилангани таҳсинга сазовор. Бу тизимни янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилишга имкон беради.

Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётган ва аниқ стратегик ёндашув шаклландиран спорт соҳасида олий таълим муассасаларининг ролини кучайтириш, ушбу жараёнда нафақат таълим маскани, балки ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва иқтидорли спортчиларни етиштириш марказига айланиши долзарб вазифадир.

Ислохотларга ҳамоҳанглик масъулияти

Президентимиз тақлифига кўра, “маҳалла — мактаб — спорт муассасаси — олийгоҳ” узвий тизими асосида ёшларни спортга жалб этиш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва уларни профессионал даражада тайёрлаш бўйича янги механизмлар жорий этилади.

Спорт тўғрақлари фаолияти кенгайтирилиб, уларга тажрибали мураббийлар бириктирилади, спорт йўналишидаги талабалар эса дуал таълим асосида амалий мураббийлик фаолиятига жалб этилади. Шунингдек, “саломатлик баланси”, “соғлом ҳаёт волонтерлари”, “кросс-фит” каби замонавий йўналишларни жорий этиш ташаббуслари ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Спорт соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш, уларни амалиёт билан интеграция қилиш,

тувор вазифалар соғлом, фаол ва рақобатбардош жамиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бунда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган спорт тўғрақларининг ўрни муҳим.

Бухоро давлат педагогика институтининг оладин бўлса, бугунги кунда олий таълим муассасамизда фаолият юритаётган талаба-ёшлар спорт клубида футбол, волейбол, регби-7, стол тенниси, енгил атлетика, гандбол, дзюдо, шахмат-шашка, бадминтон, хоккей, кураш каби спорт тўғрақлари иштирокчилари бўлган талабаларимиз ўтган давр давомида жами 175 та медални қўлга киритди. Уларнинг 11 таси халқаро турнирларда, 16 таси Осиё чемпионатларида, 148 таси республика миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритилган медаллардир.

Ёки яқинда ўтказилган “Вазир кубоги” доирасида илк бор ташкил этилган қизлар ўртасидаги чим устида хоккей мусобақаларида талаба-қизларимиз 3-ўринни қўлга киритгани мазкур спорт тури бўйича олиб борилаётган фаолиятнинг илк натижаси, десак, айни ҳақиқат.

Албатта, бу каби ютуқлар барчамизни қувонтириши табиий, бироқ соҳани янада ривожлантириш, ёшларнинг спорт турлари билан мунтазам шугулланишини янада кенгайтириш бундан буён доимий эътибор марказида бўлади. Зеро, юртимизда ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритиш, ёшлар ўртасида спортни омма-лаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга барчамиз масъулмиз.

Баҳоидир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика институтининг ректори,
педагогика фанлари доктори,
профессор.



спорт тиббиёти, физиология, реабилитация ва замонавий технологияларни жорий этиш ҳам устувор йўналишлардан бири бўлади. Шунингдек, сунъий интеллект асосида спортчилар фаолиятини таҳлил қилиш, машғулот жараёнларини оптималлаштириш каби замонавий ёндашувларни жорий этиш орқали илмий салоҳиятни оширишга алоҳида эътибор қаратилиши айтилди.

Соҳада белгилаб берилган ус-

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРНИ ЯҚИН ҚИЛГАН КЎПРИК

Тоғли худудларда аҳоли қатновини хавфсиз ва барқарор таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги Тўхтамиш маҳалласи худудидан оқиб ўтувчи Вахшворсой сел сувлари устида замонавий кўприк барпо қилинди. Унинг узунлиги 12, эни 7,5, баландлиги 7,5 метрни ташкил этади. Мазкур иншоот Тўхтамиш, Чуқур Обшир, Зардақул, Чинор, Бодихаво каби қишлоқларда истиқомат қилаётган 15 мингдан зиёд аҳолини туман маркази билан боғлаб туради.



Инфратузилма

Лойиҳа Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг 150 млн. сўмлик гранти, аҳоли маблағлари ва туман ҳокимлиги кўмаги асосида амалга оширилди. Бунёдкорлик жараёнида хашар аъёнаси кенг қўлланилиб, иш сифати ва қисқа муддатда яқунланди.

Шунингдек, Олтинсой туманидаги Гулобод маҳалласида ҳам янги кўприк фойдаланишга топширилди. Бу иншоот ички йўллар ўртасидаги боғлиқлини яхшилаб, ҳаракат хавфсизлигини сезиларли даражада оширди. Эндиликда маҳаллада транспорт қатнови барқарорлашиб, кундалик ҳаракат анча енгиллашди.

— Тоғли худудларда инфратузилмани ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу беvosита аҳолининг ҳаёт сифатига таъсир қилади, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Ақром Турдиев. — Бугун ишга туширилган кўприк нафақат транспорт қулайлиги, балки ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, таълим ва тиббиёт хизматларига тезкор етиб бориш имкониятини ҳам кенгайтиради. Бу каби лойиҳалар орқали чекка худудлар ҳам ривожланиш жараёнидан ортада қолмаяпти.

— Ёмғирли ёки сел келган кунларда эски кўприкдан ўтиш қийин эди, — дейди Гулобод маҳалласи оқсоқоли Пирназар Поёнов. — Эндиликда бундай муаммолар барҳам топди. Энг муҳими, бунёдкорлик ишлари нафақат инфратузилмани, балки одамларнинг эртанги кунга ишончини ҳам мустаҳкамлапти.

Бундай лойиҳалар худудларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва олис қишлоқларни марказлар билан янада яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ
«Халқ сўзи».

МУСТАҲКАМ, ЕНГИЛ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА

Бугунги кунда ҳавонинг ифлосланиши, айниқса, зарарли газларнинг кўпайиши ва сувнинг оғир металл ҳамда бўёқлар билан захарланиши бутун дунё бўйича катта муаммо бўлиб қолмоқда. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун табиатга зарар етказмайдиган, самарали ва мустаҳкам материаллар жуда зарур.



Кашфиёт

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва но-органик кимё институтининг ҳамда Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг олимлари томонидан янги турдаги гибрида аэрогель яратилди. У “наноцеллюлоза” деб аталадиган, қайта тикланадиган ҳамда экологик тоза ҳолатда асосида тайёрланган бўлиб, бу материал табиатга зарар қилмайди.

Хўш, бу аэрогель нимаси билан муҳим? Олимларнинг таъкидлашича, у жуда ғовак (ичида кўп майда тешикчалари бор) бўлиб, шу тузилма ичида махсус металл-органик бирикмалар жойлаштирилган. Бу эса аэрогелга зарарли моддаларни ўзига тез ва кўп миқдорда сингдириб олиш имконини беради. Колаверса, ҳавони тозалайди, аэрогель ҳаводаги зарарли карбонат ангидрид (CO₂) газини ушлаб қолишга қодир. Суви ҳам тозалайди. У сувдан оғир металл ионлари ва зарарли бўёқларни катта аниқликда ажратиб олади.

Қурилиш соҳасида самарали изоляция материал сифатида ишлатилиши мумкин. Товуш ютувчи хусусиятга эга. Яъни унинг наноғовакли тузиллиши товуш тўлқинларини самарали ютиб, биноларда акустик комфортни таъминлайди.

Бундан ташқари, иссиқликни ушлаб қолади. Аэрогель жуда паст иссиқлик ўтказувчанлигига эга бўлгани сабабли биноларда иссиқлик йўқотилишини камайтиради ва энергия тежамкорлигини оширади.

Яна бир хусусияти — зарбага нисбатан мустаҳкам. Композит аэрогель материаллари механик таъсирларга нисбатан барқарор бўлиб, конструкция элементлар мустаҳкамлигини оширишга хизмат қилади.

Мустаҳкам бўлиш билан бир қаторда, материал жуда енгил, лекин айни пайтда юқори ҳароратга ҳам чидамли.

«Халқ сўзи».



Имконият

— Бунинг учун фақат изланиш, ўз устида ишлаш, касбий маҳоратни мунтазам ошириб бориш керак, — дейди Андижон шаҳридаги Мухаммад Юсуф номида ижод мактабининг тарих фани ўқитувчиси Сардорбек Жалолиддинов. — Масалан, миллий сертификатга эга ўқитувчининг ойлик маошига 50 фоиз

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАОШИ ҚАНЧА?

Ўқитувчининг ойлик маоши қанча минг долларга етади? Шу каби саволларга эндиликда ўрин қолмади. Бойси келажакимиз эгаларига таълим-тарбия бериб келаётган фидойи устозлар бу доvonни аллақачон босиб ўтган. Қандай қилиб дейсизми?

кўшилади. Агар халқаро сертификати бўлса, бу кўрсаткич 75 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, мактаб фондидан устама ажратилади. Шу тарика ойлик маоши ортиб бораверади. Ўзи ҳам ана шундай ютуқларга эришган С. Жалолиддин бунинг кунда 3 минг АҚШ долларига тенг

Саминжон ХУСАНОВ
«Халқ сўзи».

«СЎЗНИ КЎЗГА СИНГДИРИБ ЎҚИШНИНГ ГАШТИ БЎЛАКЧА»

Светлана Валентиновна онаси “Фарҳод” маданият саройининг хореография тўғраига бошлаб келганида у олти ёшда эди. Қарангки, қизалоқни хореографиядан кўра кошонанинг уч қаватини эгаллаган кутубхона кўпроқ ўзига тортиди. Машғулотлардан бўшади дегунча кутубхонанинг ўқув залига ошиқадиган китобхон қиз кўп ўтмай рақсдан воз кечди...

Китобхонлик

Мана, ўттиз уч йилдики, Светлана Жёлтикова учун ушбу маърифат ўчоғи қадрдон масканга айланган. Бу орада ўрта мактаб, Тошкентда олий таълим муассасасини тугаллаб, оддий китобхонликдан кутубхона раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

“Фарҳод” маданият саройи — “Навоий кон металлургия комбинати жағғармаси” давлат муассасасининг йирик маданият ва маърифат ўчоқларидан бири. Ушбу масканда бадий ҳаваскорлик, фольклор-этнографик, миллий рақс ва эстрада санъати жиғалари ҳамда гуруҳлари билан бирга яна бир қанча тўғарак ва клублар, марказлар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳар кун турли ёшдаги юзлаб ёшлар бор ерга қатнаб, санъат сирларини ўрганади. Ушбу кошонанинг шундоқ ён эшигидан кириб чиқувчилар сони эса ундан кўп бўлса кўпдики, асло

кам эмас. Муассаса ўз мижозларига тақдим этаётган маънавий-маърифий ва интеллектуал бойлик саломини эса оддий сўзлар билан ифодалаш мушкул.

— Кутубхонамизга 1972 йилда асос солинган, — дейди Светлана Жёлтикова. — У маданият саройининг уч қаватида 2 минг квадрат метр майдонни эгаллаб, икки ўқув зали ҳамда етти бўлимдан иборат. Китоб фондимиз эса 220 минг нусхадан кўпроқ. Улар, асосан, ўзбек, рус ва инглиз тилларида бўлиб, бадий, илмий ва услубий адабиётлар. Кўплаб китобларнинг бир нусхадан эканини дастлаб тармоқ кутубхонаси сифатида ташкил этилганми эса изоҳлаш лозим.

Кутубхона 15 минг нафарга яқин ўзининг доимий китобхонларига эга. Уларнинг 42 фоизини талаба ва ўқувчи-ёшлар, 21 фоизини эса ишлаб чиқариш ишчи-муҳандислари ташкил этади. Ҳар кун китоб залларида 300 дан 500 нафаргача китобхон мутулаа билан машғул



бўлиб, ўз билим ва дунёқарашини кенгайтиради.

— Кутубхонамизда ўқув заллари 65 ўринга эга, — дейди кутубхонанинг катталарга хизмат кўрсатиш бўлими мудири Айнура Раззоқова. — Шу сабаб, доимий китобхона-римиз учун алоҳида жадвал тузилди. Айрим кунлари ўқув заллари гавжумлигидан ўрин бўшагини кутиб қолганлар ҳам учрайди.

Масканда бошлар бўлими алоҳида қаватни эгаллаган. Бу ердаги мўъжаз ўқув залидаги қулайликлар деярли уй шароитига яқинлаштирилган. Шунингдек, кутубхоначилар ҳар бир ёш китобхон билан, айниқса, у илк бор келаётган бўлса, индивидуал равишда шугулланади.

— Айни жараёнда ёш китобхоннинг қизиқишини билишга ҳаракат қилиб, шу асосда унга адабиётларни тавсия этамиз, — дейди С. Жёлтикова. — Бу жуда муҳим. Сабаби, бола ўз қизиқишини қаноатланидиган, истаган ахборот ва маълумотига эга бўладиган китоб олмаса, унинг мутулаа иштиёқи сўнади. Дейлик, фантастика истаб келган болага эртаки китоб тавсия этсангиз, унинг эртасида конструкторликка қизиқиши сўниб қолиши мумкин.

Кутубхонада “Фаол китобхонлар” клуби ташкил этилган бўлиб, у ўз атрофида кексалик гаштини сураётган 27 нафар меҳнат фахрийсини бириштирган. Улар ҳар ой

ийгилишиб, ўз шахсий кутубхоналаридаги китобларни алмашишади.

— Биз китоб тарбиясини олган авлодимиз, — дейди клуб аъзоси Салима Холдорова. — Бугунги авлод кўпроқ телефон ва ижтимоий тармоқларнинг тарбиясини олмоқда. Газеталардан эса мунажжим башорати, турли сканворд, криптограмма ва ҳоказони ахтаришади. Албатта, ҳаммаси эмас, лекин аксарияти. Бу табиий, фикрий янқовлик олиб келади. Мен кўпкамнинг гўзаллигини, беғубор болалигини кечган қишлоқлар тароватини Чехов, Тургенев ва Айтматов асарларидан топаман. Бундай пайтлар беихтиёр шу асарлар қаҳрамонига ўхшаб ҳаракат қилсан киши. Очиги, бунинг интернет беролмайди. Ҳарфни, сўзни кўзга сингдириб ўқишнинг эса гашти бўлакча.

Кутубхонанинг яна бир бўлими китобларни таъмирлаш ва реставрация қилиш билан шугулланади. Ушбу бўлим ходимлари кекса этган китобхонлар беминнат туҳфа этган нодир китобларга иккинчи ҳаёт ато қилишган. Улар орасида 1848 йилда чоп этилган китобларнинг борлигини ушбу масканга китобхонларнинг эҳтиромини сифатида қабул қилмоқ жоиз.

Темур ЭШБОВ
«Халқ сўзи».

Шу йил май ойидан Тошкент ва Ереван ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар бошланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхадан босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келишилган нарҳда.

Гезатининг ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-6768

Таҳририятга келган кўлабмаклар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезатининг сукут берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Гезатининг таҳририят марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Гезатининг полиграфик жиҳатдан сифатида чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.40 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6